

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ёшлар ишлари агентлиги**  
**директорининг биринчи**  
**ўринбосари – Харид**  
**комиссияси раиси**



**Ж.Ходжаев**

Ёшларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган хизматларни кўрсатиш юзасидан

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ**  
**ҲУЖЖАТИ**

**Тошкент 2022 йил**

### III. БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

#### 1. Умумий маълумотлар

1.1. Тулик номи: Ёшларнинг кишлоқ хўжалиги соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган хизматларни кўрсатиш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш.

1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги.

1.3. Хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича энг яхши таклиф: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра аниқланади.

1.4. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг максимал нархи: ҚҚС билан 1 598 450 000 (бир миллиард беш юз тўқсон саккиз миллион тўрт юз эллик минг) сўм.

1.5. Хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати: 6 ой.

1.6. Молиялаштириш манбалари: Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

#### 2. Техник талаблар

2.1. Ёшларнинг кишлоқ хўжалиги соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган хизматларни кўрсатиш юзасидан техник вазифа:

Т/р	Хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони/ муддати
<b>Ёшлар учун кишлоқ хўжалигининг турли йўналишларида қўлланмалар ва тарғибот материалларини тайёрлаш</b>			
1.	1. “Ер олиш, бизнес-режа тузиш ва агробизнесда имкониятлар” (А4 шаклда, ҳажми: камида 100 бет); 2. “Мавсумий агротехник тадбирлар” (А4 шаклда, ҳажми: камида 100 бет); 3. “Деҳқончиликда маркетинг ва агробизнесдаги замонавий имкониятлар” мавзусида қўлланмалар тайёрлаш. (А4 шаклда, ҳажми: камида 100 бет)	дона	3
<b>Медиа маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда тарғибот тадбирларини ташкил этиш</b>			
2.	Контент режасини тузиш ва тасдиқлаш; Кўрсатиладиган хизмат брендини яратиш;	ой	6
3.	24 та визуал пост ва публикациялар; 10 та постер; 12 та инфографика; 3 та фотоальбом; флаер, буклет ва плакат дизайнларини тайёрлаш.	ой	6
4.	Мақсадли аудиторияни жалб қилиш учун турли контентлар яратиш ва ижтимоий тармоқларда реклама қилиш.	ой	6
5.	Ўртача 10 минут давом этадиган 20 та коучинг роликлар тайёрлаш ва монтаж қилиш; Ёшлар иштирокида ўртача 3 минут давом этадиган 20 та мотивацион роликлар тайёрлаш ва монтаж қилиш.	ой	6
6.	ОАВ ва ижтимоий тармоқларда реклама қилиш.	дона	10
<b>Ёшларнинг кишлоқ хўжалигидаги билимларини оширишга қаратилган мобил илова яратиш</b>			

7.	Ёшларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билимини ошириш, жумладан, деҳқончилик ва агротехника тадбирлари бўйича фойдали маълумотлар, қишлоқ хўжалигида мавжуд имтиёзлар реестри, онлайн консултация беришга мўлжалланган мобил илова яратиш. <b>Яратиш муддати: 15.07.2022 й.</b>	дона	1
8.	Мобил иловани юритиш; Илованинг блог ва датабазасини бошқариш; Маълумотлар базасига маълумотлар юклаш.	ой	6
<b>Республиканинг қишлоқ хўжалиги фаолияти мавжуд бўлган 157 та туманда ёшлар учун семинар тренинглар ташкил этиш (4 гуруҳга бўлинган ҳолда)</b>			
9.	157 та туман ёшларининг қишлоқ хўжалигига оид билимларини ошириш учун семинар тренинглар ташкил этиш.	дона	157
10.	Семинар тренинглар учун керакли ускуна ва таркатма материалларини харид қилиш.	дона	157
11.	Семинар тренинглар доирасидаги танлов ғолибларини тақдирлаш. Ҳар бир туманда биттадан ғолиб аниқланиб, уларни дори сепадиган аппарат билан тақдирлаш.	дона	157

**Лойиҳалар қуйидаги минимал талаблар асосида амалга оширилиши лозим:**

- ҳудудларда ўқув машғулоти ўтказиш учун замонавий архитектура стандартлари асосида барпо этилган, қулай имкониятларга ва жойлашувга эга бўлган биноларда;
- ёшларни лойиҳада иштирок этишга жалб қилувчи салоҳиятга эга (TV, реклама, ҳамкорлар, ижтимоий тармоқлардаги фаоллик, ёшлар билан ишлаш бўйича тажриба);
- тақдимот, тренинг, ўқув машғулоти каби тадбирларни ўтказиш учун зарур техник жиҳозлар билан таъминланган;
- маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда амалга ошириш;
- малакали мутахассислар, экспертлар, тадбиркорлар ва экспортёрлар каби соҳанинг етуқ, ҳозирги кунда машҳур бўлган вакиллари иштирокида.

**Мазкур лойиҳанинг оммабоплигини таъминлаш мақсадида қуйидаги минимал талабларга жавоб берувчи видеоролик тасвирга олиниши лозим:**

- видеоролик учун танланган мусиқа (агар бўлса) муаллифлик ҳуқуқи асосида бўлиши;
- видеоформат Full HD, 16:9 формат, 25 bitrate ва ундан юқори;
- AAC форматдаги 128 кб/с – стерео сифатда ва ундан юқори овоз сифати;
- тасвирга олиш учун ва монтаж қилиш учун режалаштирилган компьютер, камера, қўшимча ускуналар (штатив, LED Панел, Стабилизатор, объектив ва бошқалар), мавжуд бўлиши шарт.

**Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича талаблар:**

Ўқув қўлланмалар ва видео материаллар Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги шартнома кучга киргунга қадар, шунингдек, Буюртмачига тақдим этилгунга қадар ОАВ ва бошқа воситалар орқали оммага эълон қилинмаган, тарқатилмаган бўлиши талаб этилади. Ушбу талабга риоя қилинмаган ҳолларда Буюртмачи томонидан материаллар қабул қилинмайди.

Лойиҳа доирасида тайёрланган ҳар қандай материалларни ишлаб чиқувчилар бошланғич қисмида буюртмачининг логосини жойлаштириши талаб этилади.

Бажарувчи материаллами яратиш доирасида юзага келадиган мажбуриятларни ўз кучи ва ёки ташқи манбадан ресурс (мутахассис, техника, аутсорсинг ва ҳ.к) жалб қилган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга. Шу билан биргаликда, ишлаб чиқилган визуал ва видео материаллар ишлаб чиқувчининг муаллифлик ижодий мулки ҳисобланиб, танлов тасдиғидан ўтган материалларга нисбатан Буюртмачи улардан эркин фойдаланиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга бўлади.